



## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Нуриллаев Ф.Т.*

*Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, маърифат, касбий масъулият, баркамол, маънавият, истъедод, билим, кўникма, ташаббускорлик, креативлик.

**Ключевые слова:** образование, обучение, просвещение, профессиональная ответственность, компетентность, духовность, талант, знания, умения, инициатива, творчество.

**Key words:** education, training, enlightenment, professional responsibility, competence, spirituality, talent, knowledge, skills, initiative, creativity.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тизимида амалга оширилаётган ислохотлар негизида мамлакатимизнинг эртаси бўлган – ёшларнинг ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантириш долзаб масала сифатида илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жамиятда ҳаётида ёш-авлод ва уларнинг халқ олдида масъулиятга эътибор берар экан: “ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажакги учун стратегик аҳамиятга эга” эканлиги мамлакатимиз таълим ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Шунинг учун, ёш-авлоднинг жамиятда ўз интеллектуал салоҳияти ва ўз истъедод ва иқтидорини намоён этиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида илим фаннинг ривожланиши таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар асосий марказида бўлажак кадрларнинг ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш муҳим ўрин эгалламоқда. Хусусан, талабалар ижтимоий-касбий масъулият ҳисси ривожланишида талабанинг мантикий тафаккури ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда замонавий таълим-тизимида олиб бораётган таълимий жараёнлар жамият ижтимоий ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ривожланиш компонентлар



аҳамияти ортиб бориши, инсон шахсининг маънавий-ахлоқий таркибий қисми сифатида, жамият тарққиётида ҳаётининг барча жабҳаларида ижтимоий масъулиятни ривожлантириш роли ортиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳим фазилатларни шакиллантириш ва ривожлантириш шахсда таълим олиш босқичида, айниқса, олий таълим муассаси таълим жараёнида амалга оширилади. Шу сабабли, замонавий олий таълим муассасаси, нафақат талабаларга билим берадиган, балки масъулиятли шахсни шакллантирадиган муҳитга айланиши керак.

Хусусан, жамиятда рўй бераётган барча ижтимоий ўзгаришлар талабанинг турмуш шароитига таъсир етиб, олий таълим муассасаси ижтимоий муҳитига, маънавий-ахлоқий манзарасини ривожланишига, талаба шахси такомиллашувига, алоҳида эътибор бериш, жамиятда инсон ҳаётининг энг муҳим мезони ижтимоий муносабатларда идеал ва реал ҳаёт меъёрларини белгиловчи маънавий тараққиётни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги замон олий таълим тизимида талалабаларнинг ўзлаштириши керак бўлган асосий компетенцияларни, балки ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантириш ҳам халқаро стандартларга мувофиқ касбий талаблардан бири ҳисобланади. Масалан, таълим муассасалари фаолиятида талабаларнинг ички дунёсига йўналтириган, маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш орқали улурнинг касбий масъулиятини ривожланиши алоҳида ўрин эгаллайди[86]. Демак, талабаларнинг касбий-педагогик ривожланиш фаолиятида умумиймаданий жараёнлар зарурлиги, шу билан бир қаторда умуминсонийлик, маънавият, ахлоқ, жамият ҳаётни ривожланишида ўз ўзини англаши ижтимоий тафаккури ривожалшарт-шароитларини белгилайди, бу эса ўз навбатида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Маданий борлиқ сифатида инсон яхлитлиги ғояси ижтимоий-касбий масъулият ҳиссининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Юксак маданият даражасидаги, чуқур билим, кўникма ва малакага эга мутахассисгина жамият ва мамлакатни барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал етишга қодир. Шу билан бирга, бўлажак мутахассислар сифатида талабалар ўртасида ижтимоий – касбий масъулият ҳиссини ривожлантириш Х.Тожибоева, Б.Ш.Шермухаммадов, Н.Н.Джамилова, И.А.Зимная асарларида таъкидланган таълим гуманитар фалсафа қоидаларига асосланган. Педагогика фанида ижтимоий-касбий масъулият ҳиссининг муаммоси С.Н.Василев, Т.Н.Сидоровалар ва бир қатор тадқиқотчиларнинг ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган.



З.Б.Жалилов шахс тарбиясида масъулят хиссини ривожлантиришда шарқ мутаффакирларининг меросини таълим жараёнига тадбиқ этишда: ижодкор, ташаббускор ёшлар юртимизни дунёдаги энг қудратли, истеъдодли, нуфузли давлатлар қаторига олиб чиқиш учун улар ҳар томонлама ривожланган ва маънавийатли бўлишлари керак. Бунинг учун талабалар қуйидаги тарбиявий қадриятларни билишлари ҳамда уларга амал қилишлари лозим.

Х.Тожибоеванинг илмий фаразларида ўқувчи фаолияти, тарбиясида педагогик тизим – маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларни муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик бўлиб, у ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик прицип, восита, усул ва методлар йиғиндиси орқали камол топтириш муҳим деб ифодалаб ўтган.

Н.Н.Джамилова ўз тадқиқотида ижтимоий масъулятли талаба-шахсида ижтимоий ташаббускорликка эътибор берар экан: “ташаббускорлик, ўқув ва касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш учун, янги ғоя ва таклифларни илгари суриш ҳамда амалий фаолиятда намоён этишга қодирлик” деб такидлагани ҳам бежиз эмас. Хусусан, талабанинг ижтимоий-касбий масъулятини ривожлантириш унинг ташаббускорлиги, қатъиятлилик, масъулятлилиги каби шахсий сифатлар шаклланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Б.Ш.Шермухаммадовнинг илмий изланишлари доирасида талаба ёшларнинг ижтимоий-касбий масъулятлилиги жиҳатларига тўхталиб шундай ифодалаёди: “ёшлардаги ижтимоий масъулятлилиик, фаоллик, касбий қобилиятлари, ақлий-салоҳияти илмий-амалий жиҳатдан ўсиш имкониятларини олдиндан аниқлаш, ижодий фикрлаш” алоҳида ўрин эгаллайди деб такидлаганлари ҳам талабалар ҳамжамиятида касбий-масъулят хиссининг жуда юқори эканлиги масаласи муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ўқув-тарбиявий таълимий фаолиятида шахсга йўналтирилган фаолиятнинг бир неча устувор турини ажратишда ҳам таълим технологияларини лойиҳалаштириш омили муҳим ўрин эгаллайди. Ўқув фаолиятида устувор (тузилма ҳосил қилувчи) тарбия мақсадларига реал мос келадиган, устивор жамоавий эҳтиёжни ифодалаган ва ўқувчиларнинг кўпчилиги учун аҳамиятли саналмиш фаолият тури деб ҳисоблаш мумкин; педагогик жамоа фаолиятида лойиҳалаштириш методидан фойдаланиш, ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошқа турлари билан система ҳосил қилувчи алоқаларни шакллантиради.



Ўрганилган адабиётларнинг таҳлили асосида ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантиришга қуйидаги педагогик жиҳатлар ўзаро боғлиқ: таълимий ва касбий фаолиятда ижтимоий – касбий масъулиятли хулқ-атвор мотивлари талабанинг ахлоқий-тарбиявий интилишлари; маълум нормалар ва жамиятдаги инсон хулқ-атвори қоидалари ҳақида, уни тартибга солиш йўллари, билимлар тизими бўлган когнитив; шахсий, талабчаликнинг касбий фаолият ва мулоқотдаги субектив позициясига, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш, ақлий фаолликка, талабанинг ўз ҳаракатлари ва натижаларидан жамоада қабул қилинган ижтимоий меъёрларга мувофиқ хабардор бўлиш қобилияти ҳамда тайёрлиги назарда тутмлади.

Талаба-шахсининг ижтимоий – касбий масъулиятга асосланган ҳаракат субъекти сифатида, бир қатор тадқиқотчилар масъулият мазмунидаги гоъвий-ахлоқий компонентни, шахс томонидан шахсий ва давлат манфаатлари ўртасидаги муносабатлар доирасиди тушунишни акс эттиради. Чунки ҳиссий-иродавий сифатлар инсоннинг атрофдаги воқеликка фактлари ва ҳодисаларга, ўз танлови ҳиссий муносабатидан хабардорлигини намойиш этиш орқали самарали-қийинчиликларни енгишга қаратилади; когнитив-ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни турли фаолиятларда, таркибий қисмларда ўзлаштиришни ўз ичига олган.

Демак, талабаларда ижтимоий – касбий масъулият ҳисси ривожланиши жамиятнинг муайян нормалари, қадриятлари ва анъаналари; жамиятнинг ахлоқий талабларига мувофиқ ижтимоий – касбий масъулият ҳиссига асосланган ахлоқий-хулқий нормативлар; талабалар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан хабардорликлари; дунё ҳақидаги билимлар тизимининг ўзгариш муҳимдир. Шахс-бу қоинот каби беқиёс ва чексиз, ўрганилмаган микрокосмос ҳисобланади. Инсон - бу жавоби йўқ топишмоқ, чунки унинг аҳамияти унинг маънавий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Талаба эса, ўз ўрнида ривожланаётган шахс сифатида педагогик ёрдамнинг махсус йўналтирилган тизимига, унга ёрдам бериш, ҳиссий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқитувчининг ўз ҳаётида амалий иштирок этишига муҳтож. Олимлар томонидаг бтилдтирган фикр ва мулоҳазаларга кўра, олий таълим муассасаси талабаларида ижтимоий – касбий масъулият ҳисси ривожлантириш, масъулиятли талаба, ўзи таҳсил олаётган муассасада, ижтимоий институтлар фаолиятид а ҳам фаол қотнашиб амалга оширилаётган изчил педагогик-психологик хатти-ҳаракотлар мажмуи сифатида қаралиши мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi.– Toshkent: O'zbekiston, 2019.–39 b.
2. Тожибоева Ҳ.М. Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими. Дисс. Автореф. 2018 й. 14-б.
3. Шермухаммадов Б.Ш. Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш. Дис. ... пед. фан. док. – Т., 2016. – 37 – 53 б.
4. Джамилова Н. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ташаббускорликни ривожлантиришнинг педагогик механизмлари.: Автореф. дис.пед.DSc. – Т.,2019 й. – 13-14.
5. Васильев, С.Н. Формирование социальной ответственности у курсантов военного вуза: автореф. дис. ... канд. пед. наук [Текст] / С.Н. Васильев. – Кострома, 2006. – 22 с.
6. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования / И. А. Зимняя// Высшее образование сегодня.-2003.-№5.-С.34-42.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантириш орқали ижтимоий, оилавий ва шахсий, ижтимоий-касбий масъулият ҳисси фуқаролик тарбиявий хислатларини ривожлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятли барқарор ёш-авлодни тарбиялаш масалалари, ўқувчи-ёшларни ахлоқий таърибия, илм, интизом, маънавий етук, бўлиб вояга етишининг педагогик таъсир воситалари орқали ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье через развитие социальной и профессиональной ответственности будущих учителей, развитие социального, семейно-личностного, социально-профессионального чувства гражданских воспитательных качеств рассматриваются вопросы воспитания зрелого поколения, обладающего интеллектуальным потенциалом, нравственным воспитанием, знаниями, дисциплина, духовная зрелость учащихся просвещаются посредством педагогического воздействия взросления.

**SUMMARY**

In this article, through the development of social and professional responsibility of future teachers, the development of social, family-personal, socio-professional sense of civic educational qualities, the issues of educating a mature generation with intellectual potential, moral education, knowledge, discipline, spiritual maturity of students are enlightened through pedagogical influence growing up.